

Аллоҳ баракот берсин



08:00 / 29.01.2021 2540

Баккор ибн Муҳаммад ва Ибн Қаънаб шундай дейишди: «Ибн Авн ғазабланмас эди. Агар кимдир унинг ғазабини чиқарса, «Аллоҳ сенга баракот берсин», дер эди».

Аллоҳ учун озодсан

Азҳар айтади: «Ибн Авннинг бир қули келиб, «Туянинг кўзини ўйиб олдим», деди. Ибн Авн: «Аллоҳ сенга баракот берсин», деди. Қул: «Мен унинг кўзини ўйиб олдим деяпман, сен эса Аллоҳ барака берсин деяпсан-а!» деган эди, Ибн Авн: «Аллоҳ учун озодсан!» деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан